



Hurriyat

Mustaqil gazeta


Шавкат МИРЗИЁЕВ:

Хозирги пайтда дунё микёсида ракобат қандай кескин тус олиб бораётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Бу шиддатли ракобатга фақат замонавий илм-фан ва инновация ютуқларини кенг жорий этиш орқали муносиб жавоб бера оламиз. Шунинг учун ҳам ушбу стратегик вазифа бизнинг фаолиятимизда устувор йўналишга айланмоқда.

(Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўқиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан)

Gazeta 1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan ★ Elektron manzil: gzhurriyat@mail.ru ★ www.uzhurriyat.uz ★ 2020-yil 19-dekabr, shanba ★ № 48 (1212)

БИЗГА МУКАММАЛ АЛИФБО КЕРАК!



Лотин ёзуви дунёда шунчалар кенг ёйилганки, ҳатто, рус тили лотин ёзувини расман қабул қилмаган бўлса ҳам, интернет тизими, мобил алоқа компаниялари хабарлари рус тилида ҳам лотин ёзуви асосида мижозларга жўнатиляпти. Эронда араб ёзуви асосидаги форсий алифбо ишлатилса ҳам, аҳолининг муайян қисми электрон тармоқларда бири-бири билан лотин алифбоси ҳарфларидан фойдаланиб ёзишади. Чунки компьютер тизими лотин ёзувини ҳарф деб кўради, бошқа ёзувларни эса сурат деб билиб, уни ўқишга керагидан ортиқ кўп вақт сарфляйди.

⇒ 2-бет


“GOOGLE” АМАКИНИНГ МАКТАБИ



“Google таржимон дастури” кунига 100 миллиардан ортиқ сўзни турли тилларга таржима қилади. Ушбу дастур илк бор 2006 йилда ишга туширилган бўлса, даставвал, иккита тилда сингишиб таржима қила олди, булар араб ва инглиз тилларидир. Ушбу дастурдан фойдаланувчиларнинг 92 фоизи АҚШдан ташқарида яшовчи миллатларга хосдир. У ёзма таржимада хатоликларга йўл қўяди. Бироқ сўзларнинг талаффузини тўғри еткази олади.

⇒ 4-бет

“ЮРАКДАН КУЙЛАШ УЧУН ЮРАК КЕРАК”



Бироқ мазмунан саёз кўшиқларни куйлаган хонанда эртами-кечми, эл назаридан қолади. Лекин унгача нималарни тарғиб қилишга улгурмайди, саёз кўшиқлари билан қанчадан-қанча ёшлар маънавиятига путур етказмайди, дейсиз. Бунинг олдини олиш учун бадиий кенгашлар фаолиятини жонлантириш, кўшиқ матнига алоҳида эътибор бериш, “шиғирбозлар” эмас, ҳақиқий шoirлар ижодига мурожаат қилишни анъанага айлантириш лозим.

⇒ 8-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РАИСЛИГИДА МДХ САММИТИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 18 декабрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг видеоанжуман шаклидаги мажлиси бўлиб ўтди.

Саммит ишида Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Молдова Республикаси Президенти Игорь Додон, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқоев, Қирғиз Республикаси Президенти вазиасини бажарувчиси Талант Мамитов, МДХ Ижроия кўмитаси раиси – Ижрочи котиби Сергей Лебедев ва Ҳамдўстлик Парламентларо ассамблеяси кенгаши раиси Валентина Матвиенко иштирок этдилар.

Кун тартибига мувофиқ МДХ доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг ҳолати ва устувор йўналишлари кўриб чиқилди, шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш бўйича биргаликдаги режалар белгилаб олинди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Ўзбекистон Республикаси бу йил Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги раислик қилишдек шарафли ва масъулиятли вазифани илк бор ўз зиммасига олганини таъкидлади.

МДХнинг улкан салоҳиятидан фойдаланиш, саёй-ҳаракатларни бирлаштириш, ўзаро ишонч ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш коронавирус пандемияси оқибатида келиб чиққан инқироздан тез фурсатларда чиқишнинг мақбул йўлларини топиш учун хизмат қилишига ишонч билдирилди.

– Ўзбекистон умумий муаммоларини ҳал қилиш учун янги, ностандарт ва ўзаро манфаатли ёндашувларни биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга оширишга тайёр, – деди Президентимиз.

Таъкидланганидек, мамлакатимиз МДХ доирасидаги ҳамкорликнинг сифат жиҳатидан янги босқичга изчил ўтиш, шериклик механизмлари ва қабул қилинган ҳужжатлар ижроси самарадорлигини ошириш тарафдоридир.

Шавкат Мирзиёев ташкилот доирасидаги кўп



МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ
ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ
видеоанжуман шаклида
2020 йил 18 декабрь


қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга доир қатор тақлифларни илгари сурди.

Хусусан, бугунги шароитда мамлакатларимиз иктисодиётлари, савдо ва кооперация алоқаларини жадал суръатларда қайта тиклаш устувор вазифа экани таъкидланди. Мавжуд муаммоларга қарамай, Ўзбекистоннинг МДХга аъзо бошқа мамлакатлар билан товар айирбошлаши барқарор ўсиб бораётгани кузатилмоқда. Айрим шериклар билан савдо жорий йилда 20 фоиздан зиёдага кўпайди.

Ҳамдўстлик доирасида “яшил” ва соддалаштирилган йўлақлар амалиётини кенг жорий этиш, электрон савдони ривожлантириш бўйича ягона платформани ишга тушириш ва “йўл харитаси”ни қабул қилиш муҳимлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари саноат кооперацияси бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш зарурлигини қайд этди.

Бунда агросаноат, машинасозлик, электротехника, енгил ва озик-овқат саноати, фармацевтика ва бошқа устувор тармоқларда қўшма кластерлар ташкил этиш назарда тутилди. Ушбу дастур ҳамда инновацион лойиҳалар ва илғор технологиялар тақдимотини келгуси йил Тошкент шаҳрида ўтадиган МДХ мамлакатлари саноат кооперацияси форуми доирасида ўтказиш тақлиф этилди.



Ҳамкорлигим бор. Бир девор қўшим, деса ҳам бўлади. Роса китобсевар аёл. Ҳовли четида хужраси — сувоқсиз ва кўримсизгина уйнинг тўрида 2 та сандиқ кўр тўкиб туради. Бирини мустақилликдан олдин чоп этилган турли газета ва журналларнинг тахлamlари бўлса, яна бири энг ноёб, ҳеч қаердан топилмайдиган бадиий китоблар билан лиқ тўла. Опа ҳозир ҳам “жони бор” 4-5 та нашрга обуна бўлган. Унинг айтишича, рўзғорга ҳўжайинининг топганини етказса бўлади. Маънавият “қорин ғами”дан кейинги, лекин энг муҳим масала...

Ишонмаяпсиз-а? Одамлар газетга обуна бўладиган замон қолибдими, дейсизми? Ишонаверинг, бундай оилалар ҳалиям бор. Тўғри, иморати қўшниларикидан сап кўримсизроқдир, уйи пастроқдир, томини ўтган йили шифер қилган ва энди дарвоза олиш ҳаракатида юргандир, лекин мана шу сувоқсиз деворлар ортидаги ховлиларда маърифат шуълалари ҳам ёниб турибди.

Яқинда шу қўшни опа кўнғироқ қилди. Рақамимни уйимиздагилардан олибди. Ўзида йўқ хурсанд: бу йил мактабни битирадиган ўғли тайёрлов курсига бормоқчи экан. “Журналистика ўқиш очилгандики, ана шунинг матбуот йўналиши боракан. Ўша факультетга имтиҳон қайси фанлардан бўлади, билиб бер, уканг журналист бўлмоқчи”, — дея қувониб гапирди. Аслида, у кишининг фарзанди билан бирга улғайганмиз. Интернет у ёқда турсин, оддий асфальт йўл ҳам етиб бормаган олис қишлоқда ўн соатлаб чиқроқ ўчгандан шам ёки мойчиқроқ ёруғида газета тахлamlарини титиш, ўтган аср муҳитини ҳис қилиш, мақолаларни ва публицистларнинг ёзиш услубларини таҳлил қилиш, тун ярмигача кечадиган мутолаа гашти... барибир ўзгача эди!



ЭЪТИРОФ

Вилоятнинг биринчи раҳбари ахборотнинг очиклиги учун доим тайёрлигини билдирди




Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг ўн бешинчи сессиясида вилоят ҳокими Ғофуржон Мирзаев 2020 йилда худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бора-суда амалга оширилган ишлар ва 2021 йилга мўлжалланган устувор вазифалар юзасидан мурожаат билан чиқди.

Шунингдек, Ғ.Мирзаев жойларда амалга оширилаётган ибратли ишларни ёритиш ҳамда мавжуд камчиликларни кўрсатиб беришда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларнинг фаол иштирокини эътироф этиб, журналист ва блогерларга миннатдорчилик билдирди.

Вилоят ҳокими журналист ва блогерлар томонидан берилган саволларга жавоб берар экан, “2021 йилдан бошлаб, Сирдарёда ҳар ойнинг 17-санаси ОАВ вакиллари учун матбуот анжумани куни бўлади”, – деди.

Ғулом ҲАМДАМОВ,
“Hurriyat” мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ САИД АҲМАД ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ



Кеча Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ ёзувчиси Саид Аҳмад таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира кечаси ўтказилди.

АДАБИЁТ ЧИНОРЛАРИДАН БИРИ

Тадбирни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбасари Ғайрат Мажид олиб борди. Унда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Иброҳим Ғофуров, адабиётшунос олим Шухрат Ризаев ва бошқа адабиёт, санъат вакиллари сўзга чиқиб, узуғ адиб ҳақида сўз юритишди.

Саид Аҳмад (Саидаҳмад Ҳасанхўжаев) 1920 йил 10 июнда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси. Ўзбекистон Қаҳрамони. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Тошкент рассомчилик билим юртида, Тошкент педагогика институтида ўқиган. Ижодининг каттагина қисми ҳажвий-юмористик ҳикоялар, қиссалар, комедиялардан иборат. “Эр юрак” (1942), “Фарғона ҳикоялари” (1948), “Чўл бургути” (1960), “Чўл оқшомлари”, “Одам ва бурон”, “Йўқотганларим ва топганларим” (1998), “Қорақўз мажнун” (2001), “Киприқда қолган тонг” (2003) каби асарлар муаллифи. “Уф” трилогияси (1964-1974), “Жимжитлик” романи (1988), “Хандон писта” (1994), “Бир ўпичнинг баҳоси” (1995) ҳажвий тўпламлари, 3 жилдлик “Танланган асарлар”и (2000) нашр этилган. Унинг юмористик маҳорати “Келинлар кўзғолони” (1976), “Кўёв” (1986) комедияларида ёрқин намоён бўлган. Фельетон жанрида ҳам самарали ижод қилган.



АҲВОЛ



Аллоҳ етказган буюк неъмат — мустақиллик Ўзбекистонга нималар бергани, мамлакатимиз нималарга эришгани барчамизга маълум ва бундан қувонмаслик ношуқурлик бўлади.

Қандай ютуқларга эришган бўлсак, бу Ўзбекистонники, Ўзбекистонда яшайётган элники. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, бугун эркин, озод мамлакатни янгича бошқариш, тараққиёт тизимини такомиллаштириш, монополиядан қутқариб, фаровон ҳаётга бошлаб кетиш ҳам осон кечмаяпти.

Бор куч-қувватини, билими, ташаббускорлиги ва маҳоратини Янги Ўзбекистонни бунёд этиш, дунё тамаддунида муносиб мақомни эгаллаш, энг муҳими, аҳоли фаровонлигини таъминлаш орқали юртимизни етакчи давлатлар каторига олиб чиқишга сарфлаётган Президент Шавкат Мирзиёевнинг хатти-ҳаракатлари беиз кетмайди, албатта, ҳали ўзининг залворли буй-бастини кўрсатади.


Кейинги йилларда амалга

оширилаётган янгича ислохотларда аҳоли манфаатлари биринчи ўринга қўйилганлиги мамлакатда янгиланиш бардавом бўлишига ишонч уйғотади кишида. Ўтган қисқа давр одамларда ҳам янгича ўзгаришларга яраша янгича дунёқарашни шакллантираётгани сезилиб қолди. Вақт ҳам шуни кўрсатапти, тараққиётга янгича ёндашуш бугуннинг зарурий эhtiжи экан.

Аммо шуни ҳам айтиш керак,

қилинаётган барча ислохотларда миллат манфаатларини бош мақсадга айлантириш зарурати борга ўхшайди. Юқоридан айтилаётган гаплар, берилаётган топшириқлар куйида кўнгилдагидек бажарилмаётгани баъзи ўринларда билиниб қолмоқда. Масалан, Президентимиз таълимни ислох қилиш керак деганларидан билим олиш масканларида таълим ва тарбияни мукамаллаштиришни назарда тутган эдилар. Жойларда эса айрим мутасаддилар фанларни қисқартириш эвазига қўшимча фанларни жорий этишни “ислох қилиш”, деб тушуна бошлади, тавсиялар кўпайиб бормоқда.





“ЎқияпсиЗми, демак бефарқ эмассиз!”

Опанинг ўзи ҳам туман марказидан нарига чиқмаган аёл. Бир пайтлар: “Қишлоқда одамлар меҳнат билан уйғониб, меҳнат билан уйқуга кетиши бор гап. Лекин Ташкентга борсанг, у ёқда ҳамма ўзингдайчикинлар бўлади. Хааамма зиёли, улар матбуотни мунтазам кузатиб боришади, ишларда биздагига ўхшаб газетанинг янги сонни 10-15 кундан кейин етиб кемайди. Кунлигини кунлик ўқийсан”, дея миямга синдирганди...

Афсуски, телефон ва ижтимоий тармоқлардан, босма нашрларни “ўлди”га чиқарган “замонавий” кимсалардан, газета ўқишга “эскилик сарқити” сифатида қарайдиган, тушини ҳам инглиз тилида қўрайдиган айрим тенгдошларимдан, агар бирор нашрга обуна бўлишини сўрасангиз, “мажбурий обуна” дея оламга жар соладиган касрлардан мени огоҳ этмаган экан. Балки оддий қишлоқ аёлида умрида қўлига газета ушламаган, “ТikTok” билан уйқуга кетиб, “Instagram” билан уйғонадиган одамлар ҳақида тасаввур ҳам бўлмагандир. Табиийки, ўғлини ҳам оппоқ қоғоздек қалби билан пойтахтга ўқишга жўнатмоқчи...

Дарвоқе, нафақат катта авлод вакиллари, айниқса, ёшлар орасида мутлаа кўрсаткичи кескин пасайиб кетгани, “кељагаги буюк” ўғил-қизлар на газета-журнал, на китоб ўқийётгани масаласи анчадан бери муҳокамалар марказида турибди. Сўнги йилларда журналистика соҳасига эътибор берилган, ёш журналистлар мактаби, журналистларни тайёрлов ўқув курслари ташкил этилаётгани яхши, албатта. Жумладан, бошқа таълим муассасаларини билмадимиз, махсус “Босма ОАВ ва ноширлик иши” йўналиши бўлган, айнан матбуот соҳасидаги журналистлар ҳам тайёрланадиган, Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини олайлик. Унинг фаолият юрияттаганига 3 йилдан ошган бўлиши ҳам, университет атрофида бирорта матбуот дўкони йўқ.

Учун бошланганидан буюн дарсларда берилган уй вазифалари, асосан, газета-журналлар билан боғлиқ бўлади. Мақолаларни таҳлил қиламиз ва босма нашрларда ўзимиз ҳам “кўришиб туришимиз” кераклиги кўп айти-

лади. Курсдошларимнинг кўпчилиги бир неча йиллардан буюн босма нашрларда ишлайди. Шу тўғрисида, кўп ҳолларда ҳар ким ўзи фаолият юритадиган нашрнигина ўқийди. Жумладан, мен ҳам иш ва ўқишдан вақт орттирилмаслигим ва янгиликларни асосан интернетдан кузатишим сабабли ўзим ишлайдиган газетани ўқийман холос, — дейди “Шифо-ИНФО” газетаси мухбири, ЖОКУ талабаси Нодира Романова.

Хўш, бу вазиятда ёш журналистлар, келажакда матбуот йўналишида ишлайман, деб ният қилиб юрган умидли авлод вакиллари дардини кимга айтсин? Интернетдаги блогернинг ёки бирор сайтнинг енгил-епли материални босма нашрларнинг мақолаларини “босиб” кетса, “хашаки” мавзулардан воз кеча олмасак, савиямиз ҳам, фикрлаш доирамиз ҳам шунга яраша бўлиб, маънавий қашшоқлик сари юз тутилаверадими? Ахир ҳар қандай соҳада, ҳар қандай жамиятда ҳам ёш кадрлардан умид қилинади, улардан нимадир кутилади...

— Босма ОАВ йўналишида таълим олганмиз учун газеталарнинг эртанги кундан ҳавотир олганмиз йўқ. Аксинча, вазиятга реал ёндашамиз. Тўғри, интернет тезкор. У дунёни эгаллаб олди. Бироқ босма нашрларнинг йўқ бўлиб кетиши мумкин эмас. Ахир у тарих! Тарих ҳақида “гапиршига” фақат босма нашрларнинггина “хаққи” бор. Интернет бу даражага қачон эришади, менга қоронги. Босма нашрлар журналистиканинг отаси ҳисобланади. Яхшими, ёмонми, ёш ёки қари — у барибир ота!

Мен ва баъзи тенгдошларим босма нашрларнинг кучини ҳис этамиз. Бирок буюн босма нашрларда фаолият юритаётган айрим ижодкорларнинг ўзи ҳам унинг келажакга қайғурмаслиги гоҳида оғир болади одамга.

Атрофимизда шундай талабалар бор: ҳатто бирор бир газетани вақтлаб ҳам кўрмайди, ўз йўналиши, ейдиган “нон”ини ўқймайди, кузатмайди, таҳлил қилмайди. Ишониб айта оламани, улар матбуотнинг яқини ҳам йўламаган. Лекин мунтазам матбуотда қатнашиб турадиган курсдошларим ҳам анчагина. Ўзим ҳам “Адолат кўзеуси” газетасида ишлай-

ман. Шунингдек, Мафтуна Суннатиллаева (“Тошкент ҳақиқати”), Оламир Абдиев (“Ўзбекистон овози”), Чўлпоной Аҳмедова (“Оула ва жамият”), Шахноза Тўрамуравова (“Халқ сўзи”)ларни мисол келтиришим мумкин, — дейди “Адолат кўзеуси” газетаси мухбири Мафтуна Абдукаримова.

Кўриб турганингиздек, талабалар орасида матбуотга бефарқ бўлмаганлар ҳам талайгина. Лекин улар ҳам айтарли бирор нашрга обуна бўлишмаган. Менимча, бунга моддий асослар сабаб бўлса керак. Университет томонидан бериладиган стипендияга обуна бўлсинми, ижара уйига тўлов қилсинми, егулик олсинми, уст-бошини бут қилсинми? Балки матбуот дўкони бўлса, кунлик нашрларни ҳеч қурса ҳафтада бир бўлса ҳам сотиб олиб ўқишмасмиди? Тўғри, босма нашрларнинг электрон шакли ҳам йўқ эмас. Лекин газетани қўлга олиб, вақтлаб ўқишга нима етсин?

Савол туғилади: нега бу таълим муассасаси фаолият бошлаганидан буюн унинг ён-атрофида ақалли бирорта матбуот дўкони очилмаган? Ахир, талабалар обуна бўлишга қийналишса, кунлик нашрларни мунтазам кузатиб бориш учун харид қилиши, дарсада уларни таҳлил қилиши, газеталарни бир-бирига таққослаши керак эмасми? Қачон “Матбуот тарқатуви” АК билан ҳамкорликда университет биноси атрофида “киоск” очилади, қачонгина талабалар (мабодо шундай талабалар кўпайса, дейлик-да. А.А) газета олиш учун Олой бозорига ёки бир неча чакирим узоққа боришади? Бу борада университет раҳбарияти ушбу таклифни эътиборсиз қолдирмайди, деган умиддамиз.

Сиз-чи, ҳурматли ўқувчи, мақолани ўқияпсиЗми, демак шуқрки, бу мавзуга бефарқ эмассиз. Уйлаб кўрингчи, ўзингиз қачон, қайси газетани мақолани ўқидингиз? Хўш, эслай олмаяпсиЗми, унда бу мавзуда битта жумла айтишга маънавий ҳақингиз борми?

— Тахририятимизга мақоласини чоп этиш учун кўп ўқитувчилар келади. Газетангизда битта мақоламни чиқариб беринга, истаган пилнигизни бераман, дейди. Биз уларга пул эмас, газетанга ҳеч бўлмаса ярим йиллик обуна бўлишни таклиф этамиз. Ваҳоланки, биз у мақоласини чиқариш учун

ваъда қилаётган пулдан икки барабар кам миқдордаги нархни айтаемиз. Улар эса: “Йўғе, мана, пулнигизни олиб, мақоламни чиқариб беринга, бўлди”, дейди. Негадир, устозлар ярим йиллик(!) обунадан кўра битта мақоласини чиқариб кетишни афзал қўради. Энди ўйлаб кўринг, миллат тарбиячиларининг аҳволи шу бўлса, уларнинг қўлида таълим олаётган фарзандларимиздан нима ҳам кутардик? — дейди “Олмалиқ ҳақиқати” газетаси бош муҳаррири ўринбосари Дилдора Абдурахмонова.

Аслида газеталарнинг бунчалик кадрисизлигида айрим даврий нашрларнинг ўзлари ҳам сабабчи. Бу борада давлатимиз раҳбари ҳам жорий йил “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган байрам табригида” алоҳида тўхтаган эди: “...миллий медиа майдонимизда замонининг ўткир талаб ва мезонлари, энг муҳим тенденцияларини очиб бериш, танқидий таҳлил, одамлар кутайтган мавзу ва муаммоларни далиллик билан ўртага ташлаш халқ ҳам етакчи ўрин эгалламаётганини айтишига тўғри келади. Афсуски, аксарият ахборот воситаларида ижтимоий салмоғи енгил бўлган, ҳисобот ва баландпарвозлик руҳидаги материаллар ҳануз устунлик қилмоқда”.

Демак, юз минглаб чоп этилаётган нашрларимизда бирорта ҳам танқид, таҳлил ёки мулоҳазага ундовчи мақола берилмас экан, халқнинг кўнглидаги гапни айтмас эканмиз, одамларнинг матбуотга бўлган ишончини қайтара олмайми.


Юқорида ҳамқишлоғим ҳақида гапирганим. Унинг кўрimsизгина, деворлари сувқоксиз иморати ҳақида ҳам айтиб ўтдим. Энди ўйлаб кўринг, сизнинг ҳам атрофингизда газета-журнал ўқувчи инсонларнинг аксарияти жуда бой-бадавлат умргузорлик қилишмайди, тўғрими? Пултоларманлар эса... Менимча, биз қачонки газета ўқини “оқсуяк” белгиси, “Аристократлик” намунаси деб биларканмиз, босма нашрларга мева-чеванинг тағига ёйиладиган оддий “тўшаман” эмас, маънавият сифатида қарарканмиз, унинг ўрни юзкам бўлсин.

Абдулазиз АХМЕДОВ.

ЖАҲОНДА НИМА ГАП?

ҲАВОНИНГ ИФЛОСЛАНИШИДАН ЎЛГАН ОДАМ

Олимплар ҳавонинг ифлосланиши натижасидаги ўлимлар коронавирусдан ўлиш ҳолатларида кўпроқ эканини тахмин қилишмоқда.



Лондоннинг энг гавжум кўчаларидан бирида яшаган 9 ёшли Элла Кисси-Добра исмли қиз 2013 йилда астма хуружи сабабли вафот этган эди. Шифокорлар Элланинг ўлимига ўткир нафас етишмовчилиги, оғир кўринишдаги астма ва ҳавонинг ифлосланиши сабаб бўлган, деб қайд этишган.

Суд шифокори ҳам Элланинг ҳаддан ташқари ифлосланган ҳаво таъсиридаги астма хуружи сабабли вафот этганини айтган. Буюк Британиянинг “Англия астма” хайрия ташкилоти ҳамда ўпка касаллиқларига кўмаклашиш фонди ўлим тўғрисидаги гувоҳномада вафотнинг сабаби “Ҳаво ифлосланиши”, деб кўрсатилган дунё тарихидаги биринчи одам Элла эканлигини таъкидлади.

Суд шифокорининг ёрдамчиси Филипп Берлоу ҳаво ифлосланиши ва астмага қарши қизчани ўлимдан сақлаб қолиш мумкин бўлган чоралар ҳақида Элланинг онасига айтилмаганини таъкидлади. Берлоунинг айтишича, қизалоқ Элла 2010–2013 йиллар орасидаги касаллик зўрайиши давомида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти кўрсатмаларидан ошиб кетган даражадаги азот диоксиди ва чангланашга дош беролмаган.

АБДУЛ ФАТТОҲ АС-СИСИЙ НИМАДАН КЎРҚДИ?



Миср президенти Абдул Фаттоҳ ас-Сисийнинг ўқ ўтказмайдиغان шиша ортида туриб ҳарбий академия талабаларига қилган нутқи ижтимоий тармоқларда кулги бўлди.

Фойдаланувчилар: “Кўчаларда, одамлар орасида кўриқчиларсиз юрган Абдул Фаттоҳ ас-Сисий ҳарбий академия курсантларига ўқ ўтказмайдиغان шиша орқасида нутқ сўзламоқда, гарчи армия унга қарам бўлса ҳам”, деб изоҳ беришган.

Бундан олдин спорт кийимидаги президент Абдул Фаттоҳ ас-Сисий велосипедга кетаётиб, тасодифан такси ҳайдовчисига дуч келгани ва у билан саломлашгани тасвирланган лавҳалар оммавий ахборот воситаларида тарқалган эди. Ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг таъкидлашича, ушбу лавҳа ва расмлар реклама кампанияси томонидан амалга оширилган сценарийга мувофиқ тарғибот учун олинган. Улар Абдул Фаттоҳ ас-Сисийнинг кўчада кўриқчиларсиз юрганини эслаш билан шунга шаъма қилишган.

Айтиш жоизки, Миср президентлари ҳарбий маросимларда юқори даражадаги хавфсизлик чораларини кўрадилар.

Аммо президентнинг ўқ ўтказмайдиغان шиша ортида туриб нутқ сўзлаши биринчи марта амалга оширилмоқда.

ЭМЛАНГАНЛАР ЖАЗОЛАНДИ

Коронавирус пандемиясининг эпицентрига айланган Бразилияда баҳсли воқеа юз берди. Бразилия Олий суди коронавирус вакцинасини олмаганлар учун жазо чораларни кўрилишига рухсат берди.



Олий суд эмланиш мажбурият эканлигини эълон қилган бўлса-да, буни зўрлик билан амалга оширмаклик кераклиги ҳам ургу берди. АҚШ, Ҳиндистон ва Россия мамлакатлари қаторида коронавирус эпидемиясининг асосий ўчоқларидан бирига айланган, 184 мингдан ортиқ киши вафот этган Бразилиянинг Олий суди томонидан қабул қилинган қарор кўпчиликини тараддулантириб қўйди.

Баъзи ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари эмланмаганларга нисбатан жарима солиниши ҳақида айтишайтган бўлса, Олий суд судьяси Рикардо Левандовский: “Эмланмаганлар маълум тақдирга дуч келади. Масалан, улар баъзи тадбирларда иштирок эта олмаслиги ёки одам гавжум жойларга бора олмасликлари мумкин”, — дея изох берган.

МИЯСИ ОПЕРАЦИЯ БЎЛАЁТГАНИДА ПИАНИНО ЧАЛГАН ҚИЗ

Ҳиндистонда миясидаги хавфли ишишни олиб ташлаш учун операция қилинган 9 ёшли Сомя жарроҳлик амалиёти пайтида пианино чалди.



Мадря-Прадеш штатининг Гвайлор шаҳридан бўлган Сомя миясидаги касаллик бўйича шифохонага муружаат қилади. Касалликнинг хавфли эканлиги аниқланган, унинг миясини операция қилишга зарурат туғилади. Жарроҳлик амалга оширилаётган пайтда унинг назик қўл ҳаракатлари ва мўлжал олиш хусусиятини бошқарадиган мия қисмларига зарар етказмаслик учун Сомядан пианинода ўзи яхши кўрган куйни чалиш сўралган.

Операция 6 соатга чўзилган. Қизча ҳам шунча вақт давомида пианино чалган ва телефон уйинларини ўйнаб турган. Унинг мусиқа чалиш камерага муҳрлаб борилган. Ҳозирда Сомянинг аҳволи яхшиланмоқда.

Интернет хабарлари асосида Ш.ШОДМОНОВ тайёрлади.

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент менежмент ва технологиялар коллежи томонидан Ғофурова Хушнур Шухрат қизига 2006 йилда берилган К № 534846 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Усмон Носир номли Тошкент матбаа-ноширлик касб-хунар коллежи томонидан Мирхаликов Шахзод Раҳим-Муратовичга 2006 йилда берилган К№ 1436403 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

КЕЧИНМА

Ўқишдан қайтар эканман, автобус пойтахтимиздаги “Халқлар дўстлиги” саройи олдидаги бекатда бироз тўхтади.

— Ойишон қаранг, катта байроқ, — дея онасининг ёнида ўтирган болакай ҳаяжондан ўрнидан туриб кетди. Болакай автобус деразасига ёпишиб, виқор билан ҳилпирайётган байроққа тикилди.

— Юринг ойишон, борайлик.

— Майли, фақат кечки пайт, опанг, аканг — ҳаммамиз бирга келамиз. Оқшом пайти бу ерда фавворалар, рангели чироқлар ёнади...

ВАТАН қадрли муқаддас

Кечки пайт мен ҳам Ватанимиз байроғини яна кўриш учун майдонга бордим. Кундузи автобусда кўрган болакай чироқлар нурида янада улугвор кўринаётган байроғимиз атрофида гир айланарди, тўхтаб, бошини баланд кўтариб, унга тикиларди...

Бу миллат байроғига бўлган меҳрининг сўз билан тарифлаб бўлмас, инсон қалбининг туб-тубида кўклаган Ватанга муҳаббат туйғуси — инжа туйғу.

Аммо яқинда ижтимоий тармоқларда тарқалган бир видеотасвирдаги хунук ҳолат таъбиимни анча хира қилди. Бу тасвир Суруҳондор вилоти, Денов туман Сардорлар Кенгаши биноси сурати, унда бинонинг олди қисми байроқ билан ўраб қўйилган. Аввалга ёлгон маълумот бўлса керак, монтаж қилишган, деб ишонмадим. Бироқ...

Масалага ойдинлик киритиш мақсадида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Денов туман Сардорлар Кенгаши бош сардори Азамат Раҳмонқуллов би-

лан кўнғироқлашдим. Унинг айтишича, сурат ҳақиқатан ҳам мактабнинг ташқи томони, яъни олди қисмида байроқ кўтарилиш жараёнида олинган бўлиб, у бино деразаси пасти қисми эмас ундан юқорига кўтарилиб қўйилган. “Биз байроқни ўрнатиш жараёнида ноанъанавий бўлсин, бизда байроқ кўтариш ишлари кетмоқда деган маънода, ҳали иш якунига етмай расмга олиб жойлаган эдик. Бу шошмашошарликда қилган ишимиз иштимой тармоқлар, айниқса, фејсбукда муҳокамаларга айланиб кетди. Ҳозирда байроқ олиб ташланган, ҳеч қандай деворга ўралмаган”, деди у.

Фикрлашидан туппа-тузук, китоб ўқиган, савияли эканлиги сезилиб турган ёш йигитчани ва унинг атрофидаги бошқа масъулларнинг эътиборсизлиги оқибатида миллатимиз шаънини улугворчи рамз топталишига оид қолган. Наҳотки, шунга уларнинг ақли ноқислик қилган бўлса?



Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи нодавлат нотижорат ташкилот хисобланади.
“Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида”ги Қонунда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг элементларини нодавлат ташкилотлари ҳужжатларининг реквизитлари ёки реклама материалларига киритилишига йўл қўйилмайди, дейилган. Назаримда улар бу Қонунни ўқишмаган ёки унутиб қўйишган кўринади. Яна бир кўз югуртириб қўйишса фойдадан холи бўлмасди.

Бепарволигимиз оқибатида айрим кўча ва муассасаларда давлат байроғидан, ундаги

рамзлардан қонунга хилоф равишда фойдаланиш ҳолатлари учраб турибди. Яъни, байроқ турли “бейжик”ларда, ташқи реклама маҳсулотларида фон сифатида ишлатилиб, унинг устига турли расм ва ёзувлар жойлаштирилмоқда. Баъзи жойларда деворларни байроқ ранглари ва белгилари шаклида бўяш ҳолатлари мавжуд. Ваҳоланки, бундай ҳаракатлар қонун билан тақиқланган. Давлат байроғи ердан камиди 2,5 метр баланд жойлаштирилиши белгиланган.

Эсингизда бўлса, бундан бир муддат олдин байроғимиз тасвири туширилган пайпоқлар Жанубий Корея Республикасида кузатишган, пайпоқлар савдо расталарида сотилаётганда, ўзбекистонлик ватандошимиз дўконга кириб, Ўзбекистон байроғи тасвири туширилган пайпоқни сотиш “ҳурматсизлик эканини” тушунтирган ҳолат видеотасвирга олинди ижтимоий тармоққа жойлаштирилганди.

Ўша видеотасвирда Ўзбекистонлик йигит заводга бориб, бундай пайпоқлар ишлаб чиқарилишини тўхтатишга эришмоқчилигини айтган эди. Мана бу ҳақиқий ватанпарварлик. Ватани оғизда эмас, амалда севишининг исботи. Гарчанд ўзга юртларда мусофир бўлиб юрган бўлса-да, миллати байроғига бўлган ҳурматсизлигини кўриб қурашга отланди ва ютиб чиқди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг рамзидир. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикасининг тимсолидир.

Ҳа, ғурур, фахр туйғулари жўш урган юракларимиз ҳаммиша она Ватан меҳри билан пайваста бўлсин!

Ислом АСИЛБЕКОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси мутахассиси.

АДАБИЁТ ЧИНОРЛАРИДАН БИРИ

1947 йил "халқ душмани" сифатида қамалган, Сталин вафотидан сўнг оқланган. Ёзувчининг "Келинлар кўзғолони" асари дунёнинг кўпбал мамлакатларида сахналаштирилган. Адиб 2007 йил 5 декабрда Тошкент шаҳрида вафот этган. "Дўстлик" (1996), "Буёқ хизматлари учун" (1997) орденлари билан мукофотланган эди.

Саид Аҳмад аввало ўзбек ҳикоячилигининг равнақиға муносиб ҳисса қўша олган ижодкордир. Унинг "Чўл бургути", "Ўрик домла", "Лочин", "Ҳазина", "Ҳайкирик", "Икбол чироқлари" каби катор ҳикоялари адабиётимиз хазинасидан мустақкам ўрин олди. Бу ҳикояларда адиб Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор каби устоз ёзувчиларнинг аъналарини давом эттириб, инсон образини мукамаллаштиришда янги ютуқларға эришди. Ёзувчи ҳажвий ҳикояларида тараққиётимизға тўсиқ бўлган урф-одатлар устидан кулади, янги ҳажвий-ахлоқий масалаларни ўртаға қўйди. Ақсинча, ўзбек психологиясига сингмайдиган, миллийликдан йироқ янги ҳажвий урф-одатлар, удуларни кулгу билан танқид қилади.

— Адибнинг қаҳрамонлари жуда табиий ва оддий одамлар. Уларнинг ишлари ҳам, гап-сўзлари ҳам, ўзларини тутуши, орзу-умидлари ҳам табиийдир, — дейди адабиёт-шунос Шухрат Ризаев. — Улар содда одамлардек хаётда нималарғадир эришса қувончланади. Хато қилишса, адашмишса, тўсиқларға дуч келиб, муваффақиятсизликка учрашса қайғуришади, изтироб чекишади. Ҳар ҳолда бу одамларнинг қувончлари ҳам, дардлари ҳам гоғдат табиий ва ишонарли. Унинг ҳикояларида Ойбекнинг психологик тасвир маҳорати, Фафур Фулом юмори, Абдулла Қаҳҳор баёнидаги ихчамлик мужассамдир.

САИД АҲМАД

Бувайдадан автобусға чиқшим биланоқ Муаззамға кўзим тушиб қолди. У тирсағини деразаға қўйиб хаёл суриб борарди. Бошида ранги кўтарилган сарғиш косинка, эғнида оддийгина штапель қўйлак. Сочини нари-бери ўриб орқасига ташлаб қўяқолган. Муаззамни ҳеч шу аҳволда кўрмаган эдим. У студентлар ичида энг яхши модаларни танлаб киярди, сочини бўлса кунға ҳар хил причёска қилмаса кўнгли жойига тушмасди. Унинг ўндан ортиқ сумкачалари бўлғучи эди. Ҳозир у орғиза қорғоз ёлиб ил билан боғланган ишша банка, кастрюлька, олма солинган тўр саватни тиззасига қўйиб ўтирибди. Муаззам шу аҳволда ҳам чиройли эди.

Унинг ёниға боришни ҳам, бормасликни ҳам билмай, икки-лашиб туриб қолдим. Ахир кўрмаганимға икки йилдан ошди. Унинг устиға Муаззам мени жиндан ёмон кўрарди. Студентликда ҳар иш ўтади, ҳозир ўша ишларни ўйласам баданимдан совуқ тер чиқиб кетади.



РАҲМАТ, АЗИЗЛАРИМ

ҲИКОЯ

Курсдошларимиз орасида Муаззамнинг ишқиди куймагани йўқ десам муболаға бўлмас. Мен-ку жиндан баттар эдим. Шу учун кунига соқол қирардим, ювилавериб асли ранги қанакалиги билинмай кетган шиммиға кунига дазмон босардим. Аммо у менға қарамасди. Мен бўлсам ҳадеб атрафиди айланшаверардим. Кейин билсам, у фронтдан дудуқ бўлиб келган Одил деган бола билан киноға бориб юрар экан. Жуда диққатим ошиб кетди. Шу бевафо дунёда яшаб нима қилдим, деб ўзимни пи-чокламоқчи ҳам бўлдим. Охириги марта ўзимға куч йиғиб, ётоғини эшигини шартта очиб кирдим, билангидан ушлаб:

— Муаззам, сени яхши кўраман, сенсиз яшаёлмайман, дедим.

У шарақлаб кулди. Менсиз бемалол яшайверасиз, — деди Муаззам кўзини бакрайитириб туриб.

— Ўзимни осиб қўяман, — дедим. Билмадим ўшанда бу гапни бақариб айтдимми ё пи-чирлаб айтдимми, эсимда йўқ. Муаззам баттар эрмак қилиб кулди.

— Осолмайсиз, жон ширин. Агар осадиган бўлсангиз, спорт залида арқон бор, ўша ёққа кириб осинг!

Кўзимға қон тўлиб кетди. Ётоқ эшигини тарақлатиб ёлдим, спорт залиға югурдим. Дарҳақиқат арқон бор экан. Олиб бир учини боғлайдиган жой қидираётганимда ҳўшим жойига келди. Шошма, ўзимни осисҳа-ку осаман. Ундан кейин нима бўлади? Осилиб ётган ўлимнинг кўрганлар ҳам, осилиб ўлганимни эшитганлар ҳам, "аҳмоқ экан" дейди-ку. Албатта шундай дейди. Ўзимни ўлдириб бўпман! Мен ҳали унга кўрсатиб қўяман.

Аммо нима қилиб унга кўрсатиб қўйишни ўйлаб-ўйлаб тополмадим. Ўқишлар тугаб, ҳар қаёққа тарқаб кетдик ҳамки, унга кўрсатиб қўёлмадим. Болаларнинг айтишиға қараганда, унинг кўзига кўринмай қолган пайтларимда, улардан мени сўраркан, улар кўрмадик дейишса: Худо раҳмат қилсин, яхши бола эди... деб куларкан. Эшитиб баттар жаҳлим чиқарди.

Бу гапларға ҳам икки йил бўпти. Вақтинг тез ўтишини қаранг! Мана, Муаззам билан бир ав-

тобусда ўтирибмиз. Унинг илгариги олифталиклари қолмаган кўринади. Нима бўлди? Наҳотки шундай там-там қиз дарров бошқача бўлиб қолган бўлса? Ё эрга теккан бўлса, эри мундайроқ одам чиқиб қолдиммики? Тўрвадаги нарсаларни қаёққа олиб кетяпти? Бошиға бирон кулфат тушдиммикин? Балки унга нарсга олиб кетаётгандир? Сабрим чидамади. Эски гиналарни унутиб, олдига бориб ўтирдим. У мени кўриши билан кўпдан йўқотган кишинини топиб олгандек кўзлари яшнаб кетди. Шу маҳал дипломдан бир гап ўтди. Унинг бу қарашини ўзимча йўйиб, нега сенға теғмадим, сенға текканимда бу аҳволға тушмасдим, деган маънони англабман. Кўришдик, ҳол-аҳвол сўрашдик. Ишларимни сўради. Уйланганимни, хотиним врач эканини айтдим. У билинар-билинмас қилиб қўйгандек бўлди. Мен ундан ортиқча гап сўрамадим. Нимани ҳам сўрайман. Аҳволи маълум бўлиб турирди-ку. Турмуши яхши эмаслиги, эрдан бахтсиз бўлгани кийим-бошидан, ранги рўйдан биллиниб турирди.

Кўзонда автобусдан тушдик. Остановкада мени кутиб турган шофёрим роса эшитадиганини эшитди. Филдирак ел чиқариб юборганини айтса ҳам кулоқ солмай сўкавердим. Муаззамға ўзимнинг кимлигимни кўрсатиб қўйиш учун атайин шундай қилдим. Машинаға чиқа туриб Муаззамға қўл учини бериб хайрашмоқчи бўлгандим, у гапим бор, кетмай туринг, деб қолди.

Аха, дедим ичимда, менға етказган озорларининг қасдини оялганм, деб ич-ичимдан севи-ниб кетдим. — Сизни кўриб қолганим яхши бўлди. Юринг, бир жойға бориб келамиз. Шофёрға жавоб бериб юборавринг!

Рози бўлдим. Икковлашиб пиёда кетдик. — Йулдан қолдирганим учун хафа бўлмайсиз-да. Атайин шундай қилдим. Одилжонни кўриб келасиз.

Юришдан тўхтаб қолдим. Ўша ўзим ёмон кўрадиган Одилнинг олдига бораманми? Калламини шартта кесиб ташласа ҳам бормасман.

— Юраверинг, юраверинг, сизни кўрса севишиб кетади. — У қўлимдан ушлаб судради.

Саид Аҳмад барча насрий жанрларда ижод қилди. Ҳикоялар, қиссалар, ҳажвий асарлар яратди. Комедия жанрида кучини сиёаб кўрди. У ижодда катта таъриба орттиргандан сўнг роман жанриға қўл урди ва бир неча йиллик изланишлардан кейин "Уфқ" трилогиясини яратди. Трилогиянинг биринчи китоби "Қирқ беш кун", иккинчи китоби "Ҳижрон кунлари" ва учинчи китоби "Уфқ бўсағасида" деб аталди. Бу трилогия 60-70-йиллардаги ўзбек насрида том маънода катта воқеа бўлди. Ушбу асарларни ўқир экансиз, беихтиёр асардан бош кўтаролмай қоласиз. Фикрлар содда, халқонийлиги билан мутолаа жараёнида ўқувчиға катта эстетик завқ ва ҳузур улашади.

— Саид Аҳмадға энг катта шухрат олиб келган асар, шубҳасиз, "Келинлар кўзғолони" комедияси бўлди, дея таъкидланди тадбирда.

"Саид Аҳмаднинг "Кулгининг кашф этилмаган маънолари кўп... кулгининг бу хилдаги ҳали очилмаган сирлари, сеҳрли жилолари беҳисоб" деган гаплари бежиз эмас. У Абдулла Қаҳҳордан кейинги ўзбек адабиётида мохир ҳикоянавис, ўткир ҳажвичи, халқимиз севиб ўқийдиган кўпбал асарлар муаллифидир. Ёзувчи ижодининг ўзига хошлигини бу кулгиларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Кулги адибнинг бош қуроли ҳисобланади. Саид Аҳмад яратган образларнинг бетакорлиги кулги орқали янада жоизбали, ёркинроқ кўринади", деб ёзганда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов.

Адиб бугун хаёт бўлганида 100 ёшға тўлган бўлар эди. Эҳтимол, 100 ёшда ҳам кулгуға бой асарлар ёзиб мухлисларини лолу ҳайрон қолдириб юрган бўларди. Тадбир иштирокчилари ёзувчини хотирлаш баробарида Адиблар хиёбонидаги Саид Аҳмад ва ёзувчининг умр йўлдоши, адиба Саида Зуннунова хайкаллари пойига гуллар қўйдилар. Ўз мухбиримиз.

лари кумушдек йилтирарди. У шу кўйи анча туриб қолгандан кейин бирдан тиззасига уриб оҳ урди. — Вой ойдеккина бола-я, вой шундоқ гулдек йиғит-а! Вой эсиз бола. Урушға кирон келсин, урушни ер ютсин! Бу қиргин келгурдан йигирма йилдаям кутулмасак...

— Секин, секин, ая! Нима қиласиз Муаззамнинг юрағига ваҳима солиб. Мана кўрарсиз, кўрмагандек бўлиб кетади. Кампир бошини сарак-сарак қилиб, айвонға қараб кетди. Ухлаёлмадим. Хаёл минг ёққа олиб кетади. У ёққа ағдарилман, бу ёққа ағдарилман, кўзим илинмайди. Билиб ётибман. Муаззам ҳам шу аҳволда. У дунёда энг яқин кишини ҳалокат қаёқсиди турган шу дақиқаларда унинг танасига жон бўлиб киришға тайёр. У эри билан баравар ўлим йўлини тўсаёттибди. Тўшақда ётган бемор хаёт учун ёлғиз ўзи курашмаётганини билиб турирди. Дўст меҳри, ёр муҳаббати ҳар қандай офатни даф қила олишини билиб турирди.

Муз парчасидек ойни оппоқ тонг нафаси эритиб юборди-ю, азим тераклар учудаги япроқлар алвондек ялтиради. Шу тароватли тонг пайти кўрсодимға умр тиладим: — Яшашинг керак! Ҳали олдинда узоқ умр йўли бор, хаётда ҳали ҳаққинг кўп, хаёт жомини умринг охиригача сипқор, азизим!

Яна касалхона остонасидамиз. Бу гал Муаззам билан икковимизға оқ халат кийдириб ичкари бошлашди. — Олдига кириб, юпатинг, дармон бўлинг. Курсдошини кўриб танасига қувват қиради. Йўқ, деманг!

Наҳотки йўқ десам. Наҳотки биргина боқошим, ёнида бир дам туришим ўлимни энгиш учун куч бўлса-ю, йўқ десам. Мен ҳам одамман. — Врочлар мени Одилнинг олдига киритишмади. Чарчаган, операция олдидам дам олсин, — дейишди. Ўтириб хат ёздим. Қизик-қизик гаплардан ёздим. Уни-верситетда қилган қизик-қизик ишларимизни, ўша пайтда айтган латифаларимизни ёзиб киритдим. Хат тағига имзо қўйдим. Ўқиб юрган пайтимизда деворий газетға бурнимни катта қилиб уриб чиқарган эди. Эсимда турган экан, худди ушундай қилиб сурат чиғиб қўйдим. Ўзимға жуда ўхшайди.

Хатни олиб, албатта, хурсанд бўлади. Биламан. Бунақа пайтларда беморнинг хаёлидаги даҳшатли ўйлари қочирш учун шундай қилиш керак. Кулги даҳшатни қувади. Ўлимни энгади! Муаззам билан яна Бувайдаға қайтдим. Уни ёлғиз қолдириб келмади. Мен кетсам, у қандоқ қилиб тонг оттиради? Шундай пайтларда ёнида одам бўлса тирговчи бўлади. У телефон станциясининг орқасидаги кичкинагона ҳовлида турар экан. Уй эғаси — кескагина хотин бизни кўриши билан ташвишланиб айвонға тушди. Муаззамнинг кўзлари қизарганидан қўрқиб кетди шекилли, менға савол назари билан қаради. — Тинчликми, Одилжоннинг аҳволи қалай? Яхши гап билан кампирни тинчлантирдим. Муаззам уйға кириб кетганча қайтиб чиқмади. Унинг уйда чироқ ҳам ёнмади. Кампир менға сулаға жой қилиб берди. Ечинмай ёнбошладим. Челақда музлаган сувдек нурсизгина ой кўтарилди. Кампир ҳамон гимирсиб, нималарди қилиб юрибди. У меннинг ухламаганимни билиб олдимға келди. — Яширманг, меҳмон, Одилжоннинг аҳволи қалай? — деди у шивирлаб. — Эртаға оёғини кесишмоқчи, — дедим хўрсиниб. Кампир қимирламай туриб қолди. Ой орқа томондалигидан унинг юзи кўринмас, фақат соч-

МУШТАРИЙЛАР ИЖОДИДАН ТОМОҒИ ОФРИГАН ҚУШ

КИЧИК
ҲИКОЯЛАР

Азиза ҳар кунни бобосини саволаға тутуди. Сўрайдиған нарсалари ранг-баранг, бири-бириға ўхшамайди.



— Айтинг-чи бобожон, қор ёққани учун қиш бўладими ё қишлиги учун қор ёғадими? Баҳор билан ёзнинг ўрнини алмаштириб қўйса, фасллар тўпалон қилишадими?

— Болам, сал шомасдан гапир, — дейди бобоси. — Жавоб бериш учун сўраганларингни миямға қўйиб олишим керак!

— Вой, мияға қўйса тўлиб кетмайдими? Хонада кулгу кўтарилади. Ойнаванд айвоннинг раҳиди доналаётган кабутарлар "пирр" этиб учади. Азиза энди бувисига юзланади:

— Қушлар муздеқ ушоқларни еса томоғи оғриб қолмайдими? Уларни дадаси дўхтирға олиб борадими?

— Энди ўтириб эшит, — деди бобоси бошиқлик билан. — Аввал сўраган нарсаларингни жавобини эшитишни ўрган, хўпми?!

— Хўп бўлади, бобожон. — Булар бариси табиатнинг оддий қонунлари. Сен катта бўлсанг ўқийсан, ўрганасан. Китобни ичига кирсанг, кўп нарсани билиб оласан.

— Китобни ичига қандай қилиб қиради-а? — Меҳнат билан-да. Ҳар кунни, ҳар доим излансанг, китобға қўл берсанг, у ҳам қўлингни маҳкам тутуди...йўл кўрсатади.

— Кейин томоғи оғриган қушни ким дўхтирға олиб боришни билиб оламан-а. Бобоси билан бувиси бир-бириға қараб кулиб қўйишди.

ҚОРДАН "ЯСАЛГАН" НОН

Тургун бобо тонг отиши билан чопонини кияди. Ҳовлиға чиқади. Сардор ҳам ортидан эргашади. Икковлашиб қўй-қўзичоқлардан хабар олади. Бобо осмонға бирзум термулса, кўллари дуоға очади:



— Илоҳим осмоннинг дарчалари очилиб, кут барака ёғсин.

Юртимиз тинч, дастурхонимиз янаям тўкин сочину, ошу номимиз кўп бўлсин.

— Бобо, кут-барака нима у? — Ёғир билан қор-да, болам. Ёғингарчилик метёрида бўлса, дон дунимиз сероб бўлади, — бобо бироз ўйланг турди, — қор ернинг кўрпаси, — деди. — Қор қанча кўп ёғса, номимиз шунча тўкин бўлади.

— Нима нон қордан ясаладими? — Йўқ, ер ҳам дам олади, озикланади. Кейин яхши ҳўсил беради.

— Ооозгина тушунмадимда... — Кўп тушунишинг учун, катта бўлишинг, кўп ўқийшинг керак. Олим бўлсанг қанийди. Билмаган нарсанг қолмасди... — Ростданми?! — Ҳа-да, болам.

— Унда мен олимларнинг қаааттаси бўламан, майлими.

— Майли, майли, — бобонинг кўзлари намланди. Қор учунлай бошлади.

— Қаранг бобо, барака ёғяпти, — Сардор қарсақ чалди. Кейин кўллари осмонға тутди.

АЛЛА "ЭШИТГАН" ДАРАХЛАР

Амирбек катта бобосини ҳаммадан яхши кўради.



— Дунёдаги энг зўр бобо менин катта бобом. Улар ҳеч кимға ўхшамайди, — дейди. — Кейин-чи, ҳамма гаплари чирооили. Яна эртақларни ҳам кўп билади.

Шу пайт бобосини овози эшитилди. Амирбек югурди даҳлизға чиқди.

— Қор дов-дарахт уйғониб кетмасдан ёғса яхши бўларди, — бобоси қўшни кишиға нималарнидир тўшунтирарди. Амирбек ёсиз қийимини кийиб ҳовлиға чиқмоқчи эди, бобоси кириб келди. — Бобожон, дарахтларни уйқуда дейсиз... Улар ҳам ухлайдими? Ким уларға алла айтади? Кейин-чи, ким уйғотади? Бобо мийғида кулди.

— Бу сир! Табиатнинг сирини. — Уни ҳеёеч ким билмайдами? — Билади... — деди бобо бироздан сўнг. — Китоб билан сирлашган одамға табиатнинг ҳам, дунёнинг сирини ҳам аён бўлади.

— Унда мен ҳам дунёнинг сирини очсам бўларкан-да, — деди Амирбек. Катта бобо Амирбекни даст кўтариб, пешонасидан ўпиб қўйди.

Зилола АБДУЮНУСОВА,
Паркент туманидаги "Наврўз" номли
11-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси.

ЎЙЛАБ КЎРИНГ

Хусусий телеканаллар, радиоларда янграётган айрим "қўшиқ"ларни тингласангиз кайфиятингиз тушади, таъбинииз хира тортади. Сўзлар жўн, қўпол, сийқа тўйгулар ифодасидан дилингиз хуфтон бўлади. Халқ номи билан халққа қўшиқлар туҳфа этаётган санъаткорлар нималарни тарғиб қиляпти ўзи деб ўйлаб қолади, киши.

“ЮРАКДАН КУЙЛАШ УЧУН ЮРАК КЕРАК”

Таникли журналист Фозил Зоҳиднинг ёзишича, Комилжон Отаниёзов таърибасиз вақтида кимдандир ўрганган бир мантисиз қўшиқни айтган экан. Шунда унга акиси Фозилжон даки беради.

тиб, маданий ҳордиқ чиқариб кетармиз, деган хаёлга боришиди. Шунда баланд овозда хоразмлик қайсидаир "юлдуз" қўшиғини бошлади:

— Манга ҳақиқий санъаткор, йиллар, асрлар ўтса-да боқий ашайди, — деган овозлар эшитилди.

— Манга ҳақиқий санъаткор, йиллар, асрлар ўтса-да боқий ашайди, — деган овозлар эшитилди.

— Мантиқсиз қўшиқ санъаткорни бебурд қилади, — дейди у. Саҳна минбар, артист ўша минбардаги оташин нотик эканлигини унутма. Қўшиқ одамларни тарбиялашга, уларнинг дилида эзгу хис-тўйгулар, эстетик завқ уйғотишга хизмат қилиши керак.

— Ана муҳаббат, манга муҳаббат. Бир кийим ёқмаса алмаштиргандек гап-да — деб қўйди ҳамроҳларимиздан бири.

— Манга ҳақиқий санъаткор, йиллар, асрлар ўтса-да боқий ашайди, — деган овозлар эшитилди.

— Манга ҳақиқий санъаткор, йиллар, асрлар ўтса-да боқий ашайди, — деган овозлар эшитилди.

Яқинда қайсидаир телеканалда "юлдуз"лардан саналаётган бир хонанда аёлнинг қўшиғига олинган клипни намойиш қилишди. Ўша аёл тантанали равишда креслода ўтирар, ўзига қувв тапларди. Қуввликка даъвогар бўлиб, турли давлатлардан "шаҳзода"лар келишиди.

Яна кимдир "тавба шунақа ҳам қўшиқ бўлади, бундайларни тарбиялаш керак ёхуд саҳнага йўлатмаслик лозим" деди.

— Манга ҳақиқий санъаткор, йиллар, асрлар ўтса-да боқий ашайди, — деган овозлар эшитилди.

— Манга ҳақиқий санъаткор, йиллар, асрлар ўтса-да боқий ашайди, — деган овозлар эшитилди.

Яқинда автобуса чиқдик-у, унинг салонига варангаётган қандайдир қоришқ "музыка"ни эшитиб ҳайрон қолдик. Бироздан сўнг тарақа-туруқлар ичида "қўшиқ" янгради. Ёшларга "жон" кирди. Айниқса, "хонанда"нинг "ичиб олганмисиз, тушунмадим" деган сўзлари уларни завқландирарди.

— Манга ҳақиқий санъаткор, йиллар, асрлар ўтса-да боқий ашайди, — деган овозлар эшитилди.

— Манга ҳақиқий санъаткор, йиллар, асрлар ўтса-да боқий ашайди, — деган овозлар эшитилди.

— Манга ҳақиқий санъаткор, йиллар, асрлар ўтса-да боқий ашайди, — деган овозлар эшитилди.

ЎБУНА — 2021

Мен нима учун "Hurriyat"ни ўқийман?



Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев газетга ва журналларнинг ҳаётий зарурат эканлиги ҳақида жуда муҳим гапларни айтди. Шу асосда Вазирлар Маҳкамаси тегишли чора-тадбир белгилади.

Бу — миллий матбуотимиз учун жуда катта воқелик, катта қадам. Эндилликда бунга барча эътироф этаёпти. Ваҳоланки, яқин-яқинга бу ҳақда деярли ҳеч ким, жумладан, марказий нашрлар ҳам ломим демаганди. Газета тақдирини, унинг обунаси жуда нозик, айтуши мумкинки, таққиланган масала эди гўё.

Маъмуржон БОЗОРАЛПЕВ, журналист.

АЗИЗ ЮРТОДШЛАР, 2021 йил учун ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. "ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" АЖ, "МАЪБУТОТ ТАРКАТУВИЧИ" АК ҲАМДА СОҲАГА ДАХЛДОР БОШҚА КОРХОНАЛАР ОРҚАЛИ ОБУНАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШИЎНГIZ МУМКИН. НАШР ИНДЕКСИ: 233.

ҚИЛМИШ

Даврон Шарипов пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги Чимбой кўчасида жойлашган масжид таҳоратхонасидаги кийим илгичга куртқасини олиб, ўзи ҳожатхонага кириб кетди. Орадан 3-4 даққа ўтиб қайтиб чиқди ва куртқасини кийиб, намоз ўқиш учун масжид ичкарасига йўналди.

ИЙМОННИ ПУЛГА СОТГАНЛАР

Ибодатини адо этиб чиққанидан сўнг куртқасининг чўнтағига қўлини суқди-ю, бирдан хаёли қочди. "Samsung Galaxy S7 Pro" сўсумли қимматбаҳо уяли телефони чўнтағида йўқ эди. Дарҳол масжид маъмуриятига мурожаат қилди. Қузатув камералари хотирасидаги видеоёзувлар кўздан кечирилганида эса, телефон аппаратини нотаниш шахс чўнтағидан олиб чиқиб кетгани маълум бўлди.

луқма таъми ҳар қандай ўғрини яна бошлаб келиши маълум. Ҳеч қанча вақт ўтмай, Фахриддин Саҳоев билан ҳам шундай ҳолат юз берди. У Олмазор туманидаги "Жомий" бозори олдида укаси Зайниддин билан учрашади. Зайниддин тижорат йўлида Қозғистонга кетаётганлигини айтиб, акасига 8235 АҚШ долларини вақтинча сақлаб туриш учун беради, ўзи сафарга отланиди. Ўша кунги Фахриддин пешин намозини ўқиш учун Уста Олим



СПОРТ

БАҲСЛАР ҚИЗГИН КЕЧДИ



Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ташаббуси билан спортнинг армстритинг тури бўйича эркаклар ва аёллар ўрта-сида Ўзбекистон кубоги мусобақаси ўтказилди.

Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида бўлиб ўтган ушбу мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 200 дан ортиқ спортчилар ўзаро куч синашдилар.

тириш ва оммавийлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Ўтказилаётган миллий чемпионат ва кубок мусобақаларига худди Осиё ёки Европа баҳслари каби қатъий тартиб ва жиддий тайёргарлик кўрилмоқда. Бу спортчиларда ҳалоллик ва мардлик ҳамда рақибга ҳам ҳурмат кўрсатиш маданиятини шакллантиришда ўта муҳим аҳамиятга эга, — дейди Академиянинг Ҳарбий ва жисмоний тарбия кафедраси ўқитувчиси, катта лейтенант Рустам Чориев.

— Юртимизда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлан-

Фарҳоджон ХОЖАЕВ.

ТАФАККУР

Кутилмагани яхшироқ

Ҳақиқий дўстлик икки танда яшаган бир руҳ ва икки руҳ билан яшаган бир тандир. АРИСТОТЕЛЬ

Кутилган ишқ ўзальдир, аммо кутилмаганда келгани ундан ҳам яхшироқ. У.ШЕКСПИР

Вафот этганингиздан сўнг унутилишни истамасангиз, ё ўқишга арзигулик бирор нарса ёзинг ёки ёзишга арзийдиган ишлар қилинг. Бенжамин ФРАНКЛИН

Ўйлаш осон, амалга ошириш қийин. Инсоннинг хаёлларини татбиқ этиш дунёнинг энг қийин ишидир. В.ГЁТЕ

Тоғни ўрнидан кўзгатмоқчи бўлган одам ишни майда тошларни олишдан бошлайди. ХИТОЙ мақоли

Hurriyat



Бош муҳаррир Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ. Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган. Адади: 4004. Буюртма — Г-1265. Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда. Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар. Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91. Тел-факс: (71) 244-32-80. Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70.

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёлторов томонидан саҳифаланди. Навбатчи: Ҳ.Қодиров. Мусафҳа: Ш.Убайдуллаева. "Шарқ" НМАК босямаҳонасида чоп этилди. Босямаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.